

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМА № 01/22-11

2022 йил 17 сентябр

Шахрисабз шаҳри

Бундан буён “ТАЪМИНОТЧИ” деб аталувчи “Шахрисабз озиқ-овқат моллари” МЧЖ МСМТ ва ҲК номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи Б.М.Рахматов бир томондан ва бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Шахрисабз шокер С.Т.Б. номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи _____ бошқа томонидан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар

7 МАХСУЛОТЛАРНОМИ

1.1 “Буюртмачи” томонидан буюртма қилинадиган маҳсулотлар томонлар ўртасида ўзаро келишилади ва қўйидаги маҳсулотлар берилади.

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Жами
1	<u>Таъминотчи номи</u>	<u>т</u>	<u>5520</u>	<u>3000</u>	<u>16 560 000</u>
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
14					
15					
16					
Жами					<u>16 560 000</u>

Уш асосида шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш

2. ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ КЕТИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

- 2.1 «Буюртмачи» мазкур шартномана Ҳазначилик булинмасида руйхатга олинган кундан бошлаб 10 календар куни ичида қонунчиликда мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% микдорда олдиндан тўлаш мажбуриятини олади. Қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 10 календар куни ичида қабул қилиш – топшириш далолатномаси, х/ф ва в.б. асосида тўлайди.
- 2.2 Буюртмачини аванс маблағлари Таъминотчининг тегишли ҳисоб варағига келиб тушган кундан бошлаб 5 календар куни ичида товарни ўз транспортда олиб кетиш мажбуриятини олади.
- 2.3 “Таъминотчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни бериши шарт.
- 2.4 “Буюртмачи” товарни қабул қилишда “Таъминотчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртномада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.
- 2.5 Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш буйича барча харажатлар “Буюртмачи” ҳисобидан амалга оширилади.
- 2.6 Буюртмачини товарни муддатидан олдин олиб кетиши мумкин.
- 2.7 Олиб кетилган товар бевосита Буюртмачининг маъсул ходимлари томонидан далолатнома буйича қабул қилинади ва унда олиб кетилган товарларнинг микдори, унинг сифати курсатилади.
- 2.8 Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни олиб кетиш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1 Буюртмачининг ҳуқуқлари:
Таъминотчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
Таъминотчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ тегишли сифат, ассортимент буйича товарларни қабул қилиш;
Сифатсиз товар берилганда ўз ихтиёрига кўра қўйидагилардан бирини талаб қилиш:
-тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
-камчиликларни бегараз бартараф этиш;
-Таъминотчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш
- 3.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:
-мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирилган буюртномаси буйича товарларни олиб кетиш.
-товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш
- 3.3 Таъминотчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:
-“Буюртмачидан” олдиндан тўлов берилган товарлар учун якуний ҳисоб китоблар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга ошириш талаб қилиш;
-Буюртмачидан жойлаштирилган буюртномага мувофиқ товарларни ассосиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.
- 3.4 Таъминотчининг мажбуриятлари:
- Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда микдорда ва сифатга бериш;
-агар товарларни бериш жараёнида Таъминотчи контракт шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикаси нинг амалдаги қонунчилигидан четга чиқиб қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби буйича 5-кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.
- 3.5 Мазкур контракт беогиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ тўғри этилиши шарт.
- 3.6 Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларини ижросини таъминланган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1 Буюртмачи:

-савдолар ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлигига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;
-савдолар голиби бўлган таъминотчи билан контракт тузиш ёки савдолар голиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига ри
этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мучтасно);

-томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиш учун жавоб беради.

4.2 Товарларни танлаб олмастик, шунингдек буюртмачи шартномада белгиланган муддатда (даврд) товарларни олишни асосиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи таъминотчи га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорда, тез бузиладиган товарлар бўйича эса-10 фоиз миқдорда жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асосиз рад этилган) ҳолларда, Таъминотчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддати олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3 Тўлов талабномаси акцептини асосиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик. Чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳокзо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

Олиб кетилган оварлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи таъминотчига ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоиз миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.4 Таъминотчи:

-савдоларда катнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлиги;
-миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртномалари шартларининг буюртмачи буюртномаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

-савдо шартларининг бошқа бузилишлари;
-тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5 Агар олиб кетилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, таъминотчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қийилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтариш талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар берганлик учун жарима таъминотчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6 Товарларни бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ берилмаган, товар таъминотчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ортиқ кетмаслигини таъминлайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7 Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни б берганлик учун таъминотчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоиз миқдорда жарима тўлайди. Товарлар қабул қилинган кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин таъминотчи ҳисобдан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2 Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита ҳўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3 Томонлар ҳўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, Суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги ҳўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1 Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2 Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар қиради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4 Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур контракт гўзначилик бўлиналарида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 й "31" 12 амал қилади.

8.2 Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар туганганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминланган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3 Контрактнинг амал қилиш муддатини тугати томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Таъминотчи»

«Буюртмачи»

«Шахрисабз озиқ-овқат моллари» МЧЖ МСМТ ва
ФК

Шахрисабз М.С.С.М.Т.Б

Адрес: Шахрисабз шаҳри Пиллақашлик кўчаси 21
уй

Адрес: Шахрисабз 103

Тел./факс 998(75)-522-50-10

Тел./факс 99 - 564 - 18-00

х/р 2020800004862556001

ш/хв 100022860104057091100251031

Банк номи Қарши ш. Ўзб.Герм. "Савдогар"ОАТБ"

ИНН 305159066

МФО 00154 ИНН 301675512

Банк. Савдогар ОАТБ

ОКОНХ 71150

СТИР 305159066

МФО 00014

Раҳбар М.У. (имзо) Б.М. Раҳматов (Ф.И.О.)

Раҳбар М.У. (имзо) Ш. Шайхидинов (Ф.И.О.)

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун талабига жавоб беради.

Хуқуқшунос


YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI
TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№

1. Loyiҳaning turi: mahsulot etkazib berish shartnomasi.
2. Loyiҳaning nomi: SHahrisabz shahar maktabgacha ta'lim bo'limi bilan «SHahrisabz oziq-ovqat mollari» MCHJ o`rtasida non mahsuloti etkazib berish shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: SHahrisabz shahar maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 27 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:
2022 yil 27 yanvar



A.T.Do'stov

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
 SHIQADARYO VILOYATI
 SHAHRISABZ SHAHRI
 «SHAHRISABZ OZIQ-
 OVQAT MOLLARI»
 MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
 MEVA SABZAVOT MAHSULOTLARINI
 TAYYORLASH VA G'AMLASH
 KORKONASI
 181300, SHAHRISABZ SHAHRI
 PILLAKASHUK KO'CHASI, 21-UY

ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

№ 14 «Шахрисабз озик-овкат моллари» МЧЖ МСМТ ва ГК сизга куйидаги
 № 4 озик-овкат махсулотларини 2022 йил январь ойда таклиф килади.

№	Махсулот номи	Ул.бир	микдори	нархи	Изох
1	Колипли нон 0,6 кг				
	<i>Курашми нон</i>	<i>кг</i>	<i>1</i>	<i>3000</i>	

Мазкур махсулотлар сифат сертификатларига эга. Шартнома тузилгандан
 сунг тулов олдиндан, колган тулов махсулот етказиб берилгандан сунг пул кучириш йули
 билан утказиб берилади.

«Шахрисабз озик-овкат моллари»

МЧЖ МСМТ ва ГК директори:



[Handwritten signature]

Б.М. Рахматов